



**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ  
АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ  
НОМИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**ТЕЗИСЛАРИ**

**ТОШКЕНТ-2012**

## HURMATLI FERUZA LYUTPILLAYEVNA.

*Toshkent tibbiyot akademiyasi hamda ko'p sonli professor talabalar jamoasi, Sizni 50 yoshga to'lishingiz munosabati b muborakbod etadi.*

*Sizning uzoq yillar davomida bosib o'tgan ibratli hayot yo va serqirra faoliyatingiz o'zini ilmga bag'ishlagan yoshlar uchu bilim maktabiga aylandi.*

*Siz ilmga chanqoq olim, 25 yillik tajribaga ega pedagog o'z sohasining bilimdoni sifatida butun O'zbekistonga tanilg yildan ziyod Toshkent tibbiyot akademiyasi ilmiy ishlar va bo'yicha prorektor sifatida faoliyat olib borganingiz va ilmiy u yuksalishiga o'z hissangizni qo'shganingiz maqtovga sazovordi. Sizning Respublikamiz miqyosida malakali shifokor va ilmiy-pe tayyorlashda qo'shayotgan hissangiz, o'quv, ilmiy, ma'naviy-takomillashtirish, talaba yoshlar ongi va qalbida ma'naviy fa toptirish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ustida qat'i kelayotganligingiz alohida e'tirofga loyiqdir.*

*Ma'lumki, olimlik mezonlari uning asarlari, shogirdla salohiyati bilan o'lchanadi. Siz keng ko'lamda ilmiy tadqiqot sermahsul olimsiz. Bolalar, o'smirlar va ovatlanish gigiyena va tadqiqotlar olib borib yuqori ilmiy natijalarga erishdingiz maktabingizni yaratdingiz. Siz tomoningizdan tayyorlangan 1 n va 2 nafar fan nomzodlari, 102 ga yaqin ilmiy ishlaringizni tibbiyot fani taraqqiyotiga qo'shgan Sizning salmoqli hissangiz da*

*Siz keng ko'lamda o'quv jarayoni va ilmiy tadqiqotlar olib natijalarga erishgan ustozsiz.*

*Sizni ushbu qutlug' kunda, quvonchli, shodiyona damlari*

## МУНДАРИЖА

### МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бўтаев Ж. Темурийлар даври ренессансига оид библиографик тадқиқотлар .....	3
Худайбергандов Р. Ал-Истахрий асарига асос бўлган манбалар .....	5
Нарзуллаева Н. “Девону луғотит турк” – тарихий метрологиянинг муҳим манбаи .....	7
Мусаметов Б. Фахруддин Розий ва унинг «Жомеъ ал-улум» асари ( <i>ЎзР ФА ШИ, №415/1 қўлёзмаси асосида</i> ) .....	10
Жуманиёзов Ф. Жалолуддин Манкбурний Хоразмшоҳ ўрта аср араб ва форс тарихчилари нигоҳида .....	13
Ачилова Г. XIII аср охирига оид Бухоро вақф ҳужжатларида шаҳар иқтисодий ҳаётининг ёритилиши .....	16
Қаюмова Ш. Аё София кутубхонасидаги Али Қушчининг ноёб рисолалари .....	18
Миркомиллов Э. Хусайн Хоразмий ҳаётига оид муҳим манба .....	21
Махамова Ш. “Бобурнома”да этник жараёнларнинг акс этиши .....	23
Маҳкамова Д. «Кашф аз-зунун» асаридаги баъзи кам ўрганилган муҳаддислар ҳақида .....	25
Гулбоев Н. Хива хонлиги мансабларига доир айрим маълумотлар .....	28
Отахонов Ф. Мирзо Қаландар Мушрифнинг “Далойил ал- хайроғ” асарига ёзган шарҳи .....	30
Холметова Р. Рус хариталарида Хива хонлигининг акс этирилиши ( <i>XIX аср</i> ) .....	33
Назирова Х. Хива хони Раҳимқулихон даврида Хива-Бухоро муносабатлари .....	36
Мирзаев Н. Туркистонда суд тизими ислоҳоти тарихшунослиги .....	38
Чориев Ш. Туркистон АССР тарихи бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган ҳужжатларнинг манбавий таснифи .....	41

<b>Тоҳирова Г.</b> Ибн ан-Надим “ал-Фихрист” асарининг баъзи нашрлари ҳақида .....	44
<b>Исламов Ш.</b> “Олтин бешик” афсонаси “Кенгаш” журналида .....	46
<b>Ғаниев С.</b> Қашқадарё вилоятидаги қариндош-уруғчилик муносабатларининг тарихий-этнологик тарихшунослиги .....	48
<b>Усмонов И.</b> Марказий Осиё тарихига оид баъзи қўлёзмаларнинг Британия музейида сақланаётган нусхалари .....	51

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ**

<b>Маҳаммадиева С.</b> Қадимги ва ўрта асрларда Ғузор тарихи .....	54
<b>Қарабаев З.</b> Фарғонанинг қадимий шаҳарлари .....	56
<b>Сулайманова С.</b> Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси ва Бухоро .....	59
<b>Улашова С.</b> Мўғулларнинг “кўчириш сиёсати” .....	62
<b>Ғайзуллаев А.</b> XIX асрнинг II ярмида Туркистон Генерал-губернаторлиги ички ва ташқи сиёсати тарихидан .....	64
<b>Искандаров Ш.</b> Ўзбекистондаги араблар билан боғлиқ этнотопонимлар .....	66
<b>Алиназарова Д.</b> Из истории Чустской типографии .....	68
<b>Турдиева Д.</b> ХХР олимларининг Қорахонийлар хонлиги тарихига оид тадқиқотлари ҳақида .....	71
<b>Зиёев Ш.</b> Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга оид стратегиялари таҳлили .....	74
<b>Normuratov В.</b> Milliy qadriyatlarimizning qadrlanishi .....	77

## **ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ**

<b>Тўйчиева Р.</b> Кашмир ва унинг можаро марказига айланиши тарихидан .....	80
<b>Ходжаева Б.</b> Ҳиндавий-муслмон муносабатлари тарихидан (XX аср бошлари) .....	83
<b>Турекулова Ж.</b> Исмаил-паша и строительство Суэцкого канала... 85	

лар билан дипломатик муносабат юритиш, аҳолидан солиқ йиғиш, империя фуқаролигини бериш, бюджет маблағларини сарфлаш, ўлим ҳукмини бериш ҳамда авф этиш ва ҳоказо. Генерал-губернаторлик таркибидаги вилоятларни бошқариш ҳукуқи ҳарбий губернаторлар қўлида бўлиб, улар император томонидан тайинланганлар (албатта, Ҳарбий Вазир, Ички Ишлар Вазир ва Туркистон генерал-губернатори тавсияси асосида). Вилоятлар, уездлар ва волостлик ичидаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ишлар унинг назорати асосида амалга оширилган.

Айтиш мумкинки, генерал-губернаторлик бошқаруви тўлиқ равишда ҳарбий тартибларга асосланиб, ўлкада империянинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган эди. Бу ҳолат Туркистон ўлкасини ташқи дунёдан кўп томонлама ажратиб қўйди. Кейинчалик бундай бошқарув тартиби барча жаҳонларда кенг равишда илдиз отди. Маҳаллий халқ вакилларининг хоҳиш ва истаклари бажарилмай энг охири ўринларда қолаверди.

*Ш. Искандаров*  
*ТДПУ*

### **ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРАБЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОТОПОНИМЛАР**

Топонимлар узок тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, маълум халқнинг тарихи, маданияти, тили, этногенези ва этник тарихи ҳамда таркибини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Топономларга оид адабиётлардан бизга маълумки, ўтмишдаги турмуш тарзи ўтроқ ёки кўчманчи маданият билан боғлиқ бўлган халқларнинг жой номларида ўзига хос фарқ мавжуд бўлган. Одатда турмуши ўтроқ деҳқончилик маданияти билан боғлиқ бўлган аҳоли кўпроқ ўзи яшаётган ҳудудни (қишлоқ ёки маҳалла) унинг табиий географик хусусиятларига қараб номлаган бўлса, ўтмиши кўчманчи чорвачиликка асосланган этнослар кўпроқ яшаш манзилларига ўзларининг қабила ва уруғлари номларини берганлар.

Ўрта Осиё минтақасида турли уруғ ва қабила номлари билан аталувчи жой номлари этнотопонимларни кўплаб учратиш мумкин. Буларнинг кўплари туркий уруғлар билан боғлиқ қишлоқ ва маҳаллалар, шунингдек, мазкур минтақада яшовчи бошқа этнослар, этник бирликлар билан боғлиқ кўплаб иноэтник этнотопонимларни ҳам учратиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда-

ги туркий ва туркий бўлмаган иноэтник этнотопонимларда муайян даражада муштараклик мавжуд. Бундай муштаракликнинг вужудга келиши минтақадаги кўплаб этносларнинг турли тарихий даврларидаги ўзаро яқин этномаданий алоқалари сабаб бўлган дейиш мумкин. Биз учун бу ерда энг асосийси Ўрта Осиёдаги араб этноси билан боғлиқ этнотопонимлардир.

Таниқли арабшунос олим С.Л. Волиннинг ёзишича, «Ўрта Осиёда араб қишлоқларининг қанчалик кенг ёйилганлигини англаш учун минтақага оид ҳар қандай харитага назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади. Чунки Ўрта Осиёнинг турли географик минтақаларида «Араб» ёки «Арабхона» номли қишлоқларни учратмаслик амри маҳол»<sup>1</sup>. Айниқса, XX аср бошларидаги баъзи тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудига араблар номи билан боғлиқ жуда кўплаб қишлоқлар вужудга келганини кўрсатади. 1900 йили рус тадқиқотчиси Н.Ф. Ситняковский Зарафшон воҳасидаги аҳоли манзиллари номларини рўйхатга олиб чиққан. Унинг «рўйхати»да 2800 дан ортиқ қишлоқ номлари қайд этилган. Уларнинг 78 таси Араб номи билан боғлиқ қишлоқлардир. Рўйхатда «Араб» деб аталувчи қишлоқлар 12, «Араблар» 4, «Арабон» 14 ва «Арабхона» 40, шунингдек, Арабтепа, Қўлдошараб, Милкиараб, Чилонғуараб каби номлар келтирилган<sup>2</sup>.

Арабхона – Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайдиган қишлоқлар «Араблар яшайдиган жой»<sup>3</sup>. Бухоро вилоятида рўйхатга олинган топонимлар 3000 дан ортиқ бўлиб, ана шу аҳоли манзилларининг 1/3 қисми этнотопонимлардир. Жумладан, биз тадқиқ қилган араб этноси билан боғлиқ Араб, Араба, Арабобод, Арабон, Арабкишлоқ, Араблар, Арабхона, Арабча сўзларидан ном олган қишлоқлар сони 72 тани ташкил қилади<sup>4</sup>.

Таниқли топонимист олим Тўра Нафасов Қашқадарё воҳасида жойлашган араб қишлоқлар сони 21та эканлигини аниқлаган. Жумладан, Арабовул, Араббон, Араббон дарвоза, Арабсой, Арабтўда, Арабхона кабилардир. Арабхона – Қарши, Косон, Шахрисабз, Китоб тумани ва шаҳарларидаги қишлоқ, гузар. Араблар қишлоғи, хона, жой, кўрғон, овул, қишлоқ, Арабовул Нишон тумани гузари араб этник гуруҳига мансуб кишилар яшаган овул (гузар), деганидир<sup>5</sup>.

Ўзбекистоннинг араблар компакт ҳолда яшовчи аҳоли масканларидан бири Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов

<sup>1</sup> Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов. Труды Института востоковедения АН СССР. Вып. 36. –Москва-Ленинград, 1941. –С.114.

<sup>2</sup> Караев С. Этнонимика. –Ташкент, 1979. –С.12-13.

<sup>3</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2005. –Б 84.

<sup>4</sup> Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. –Тошкент, 1996. –Б. 32.

<sup>5</sup> Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, –Т., 1988. –Б. 14-15.

кишлоғи ҳисобланади. Таниқли арабшунос олим И. Н. Винниковнинг ёзишича, “Жейнов (Жугари) сўзига асос бўлган “жав” – келдилар сўздан келиб чиққан<sup>1</sup>. Бу билан у Жугари (Бухоро) ва Жейнов (Қашқадарё) кишлоқларининг номини умумийлаштиришга ҳаракат қилган. Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари жой номларини махсус тадқиқ қилган Т. Нафасов эса “Женов – тожикча “жўй” – арик, “нов” (нав) – янги демакдир. Қадимий шаклда жўй+и+нав – янги арик, яъни янгиарикдир”<sup>2</sup>, деб ёзади. Бизнингча, бу ҳар икки талқин орасида ҳам ўзаро яқинлик бўлиб, ҳар иккисида ҳам араблар янги ўзлаштирган, кўчиб келган жойларига “Жейнов”, яъни “Янги ер” деб ном берганини кўришимиз мумкин.

Қадимда Жейнов *Харрук, Каттапо, Гавҳар, Чуқурқўл, Оқрабод, Боввора, Тожик, Беглар, Аввона* деб номланган 9 та маҳалладан иборат бўлган<sup>3</sup>. Ҳозирда эса улар Янги Жейнов, Аввона, Каттапой, Андхуй каби номлар билан аталади.

Юқорида номлари зикр этилган жой номлари арабларнинг уруғ шахобчалари бўлган топонимлари билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатмиз халқлари этник тарихида араб этноси билан боғлиқ жой номлари этнотопонимларнинг салмоқли ўрни мавжудлигини кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистоннинг турли табиий географик минтақаларида Арабхона, Араблар ва турли араб қавмлари (курайш, каттапо) номлари билан юритилувчи қўлаб топонимлар мавжуд бўлиб, улар ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бу эса бугунги кунда арабларнинг Ўзбекистон худудига кириб келиши тарихи, унинг миллий менталитетини ёритиб беришда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

*Д. Алиназарова*  
НУУЗ

## ИЗ ИСТОРИИ ЧУСТСКОЙ ТИПОГРАФИИ

Типография Чуста - одно из старейших типографских предприятий в Республике Узбекистан.

В 1929-1940 годы, в УзССР был более развит полиграфический промысел. В эти годы при Совете народных комиссаров было образовано государственное управление печати управляющий издательств-

<sup>1</sup> Винников И. Н. Арабы в СССР // Советская этнография. Т. IV. –М., –Л., 1940. – С.44.

<sup>2</sup> Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, –Т., 1988. –Б.73.

<sup>3</sup> Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. –Т., 1996. –Б.50.

кой и полиграфической работой. 1933 году число типографий по сравнению 1913 годом выросло в 4 раза.

20 ноября 1931 году впервые в Чустском уезде началось издание газеты. Она называлась "Ижтимоиёт" ("Обществоведение"), и считалась изданием исполнительного комитета уезда Чуст-Пап. Данная газета с 10 октября 1932 именовалась "Чуст хакикати" ("Чустская правда"), 1933-1960 года "Сталин йўли" («Сталинский путь»). До 1936 года газета издавалась в типографии Намангана и других уездах ( в частности в Папском уезде - А.Д). В эти годы ощущалось потребность в типографской продукции (книги, газеты). После этого, 12 апреля 1936 года, согласно по 489-постановлению СНК УзССР в Чусте образовалась типография.

В данной типографии в первое время работали 7 человек, и они были заняты изданием газеты района. Начиная с 22 мая 1960 года до настоящих дней, газета издаётся под названием «Чуст хакикати». С момента выпуска газеты общее число её дошло до 6,5 тысяч. Типография образованная 1936 году в Чусте многие года была занята лишь изданием газеты уезда «Чуст хакикати». Среди почётных типографов К.Халиков, И.Шодиев, К.Зоидов, С.Вахобов, Т.Эргашев, М.Вахобов, М.Турахоновы, которые внесли большой вклад в развитии типографии города.

До 1960 года в типографии осуществились существенные изменения. Основной целью было издание уездной газеты любым путём. 1960 году в типографию установили типографский станок ПС-1М машины. С его установкой работа значительно улучшилась. Но, под конец 1960 года типография заканчивает свою деятельность. Не прошло и года, типографию заново образовали. Снова на работу были приглашены специалисты, которые здесь работали. По инициативе редактора газеты «Чуст хакикати» И.Дадажанова 17 марта 1963 года снова была организована редакция «Чустской правды».

Спустя месяц, на собеседование в город Андижан, именно в Обкомпартию поехали ответственный редактор И.Дадажанов, ответственный секретарь А.Хашимова, бухгалтер К.Хатинова, заведующий сельскохозяйственным отделением У.Ахмедова, заведующий отделением культуры А.Абдуллаева.

23 апреля и 7 мая 1963 года все работники редакции активно участвовали на семинаре Обком партии, которая прошла в городе Андижане.

Но в этом году, типографская работа района временно приостановила свою деятельность. Связи с этим, на основании 6-приказа о